Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 11 (21. 130) 1992 йил 15 январь, чоршанба

Баҳоси 35 тийин.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси

АХБОРОТ

14 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг парламенти ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси **Ш. М. Йўлдошев** олиб борди.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг раиси **Ҳ. М. Усмонова** жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги Қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Қисқа муҳокамадан сўнг Қонун қабул қилинди.

Олий Кенгаш қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раиси **Э. Ҳ. Халилов**нинг маърузаси юзасидан республикадан ташқарига товар-моддий бойликларни ташиб кетиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг раиси **Ф. Н. Нажмитдинов** корхоналар махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган фаолият турлари тўғрисида ахборот берди.

Депутатлар мазкур масала жиддий ишлаб чиқилганидан сўнг, шу масала хусусида қарор қабул қилдилар.

Ташқи алоқалар комитети раиси **П. Ҳабибуллаев** ва миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият комитети раиси **П. Қ. Қодиров** хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари ҳақида парламент аъзоларига ахборот беришди.

Республика Президенти **И. А. Каримов** ўз нутқида хорижда яшаётган ватандошлар билан ҳар томонлама мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Мазкур масала юзасидан ҳам қарор қабул қилинди.

Олий Кенгаш Туркия Жумҳурияти билан алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича депутатлар гуруҳини тузди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини хорижий мамлакатлар тан олиши, улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик муассасалари ҳамда ваколатхоналарида ишлаш учун номзодларга доир тавсияларни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни мукаммал ўрганиш мақсадида махсус парламент комиссияси ҳам тузилди.

Кечки мажлисда депутатлар республиканинг 1992 йил бюджетини шакллантириш асосий жиҳатларини ҳамда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, чет эл фуқароларидан ҳамда фуқаролиги бўлмаган кишилардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги республика қонунларига ўзгартишлар киритиш масаласини кўриб чиқишга ўтдилар.

Молия вазири **Э. Ж. Боқибоев** маъруза қилди. Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув комитетининг раиси **Э. Н. Ҳўжаев** қўшимча маъруза қилди.

Муҳокамадан сўнг Олий Кенгаш қарор ва тегишли қонунларни қабул қилди.

Давлат нарх комитетининг раиси **Қ. А. Аҳмедов** республикада эркин нарх-навога ўтиш тадбирлари тўғрисида депутатларга ахборот берди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. А. Каримов** мазкур масала юзасидан депутатлар ҳузурида нутқ сўзлади.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси **Э. Ҳ. Халилов** Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларини чақириб олиш тартиби ҳақидаги Қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.

Қонун қабул қилинди.

Парламент **С. Мирсафоев**ни республика прокурорининг ўринбосари этиб тасдиқлади, Олий суд ва баъзи вилоят судлари таркибига ўзгаришлар киритди.

Бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ўз ишини тугатди.

- **Нарх-наво борасидаги чора-тадбирлар иқтисодий ислоҳотлар даврининг тақозосидир.**
- ***Халқимизнинг ризқ-насибасини четга бемаврид чиқариб топилган маблағ—ҳаромдир.***
- **Моллар қиммат бўлса ҳам, пештахтада топилсин.**
- *Бюджетдан олиниб, нархларни арзонлаштиришга сарфланадиган ҳозирги 14,5 миллиард сўмни имкони борича кўпайтира бориб, зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг, болалар кийим-кечакларининг нархини пасайтириб бориш—Президентнинг олий мақсадидир.*
- **Нархларни тезроқ пасайтириб, қулай мўътадил нархларга ўтиш йўлидан бориш—мустақил Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг эзгу нияти, фаолиятининг асл муддаосидир.**

Қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

Туркиялик ишбилармонлар қабул қилинди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 14 январь куни турли фирмаларга бошчилик қилувчи турк ишбилармонлари гуруҳини қабул қилди. Улар Ўзбекистонга ҳалиб ташриф буюрганлар.

Республика раҳбари яқинда қилинган ташриф вақтида Ўзбекистон делегацияси Туркия диёрида сидқидилдан самимий кутиб олинганини таъкидлади. Туркия Президенти Турғут Ўзол ва Бош вазир Сулаймон Демирэл билан бўлган учрашув ва суҳбатлар натижасида икки томонлама ҳужжатлар иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни жиддий ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириш имкониятини беради. Ўзбекистон билан Туркия ўртасида элчихоналар очилиши, тайёралар қатнови йўлга қўйилиши ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштириш йўлидаги аниқ қадамлар бўлади. Олий Кенгашнинг сессиясида Туркия Республикаси билан алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган депутатлар гуруҳини тузиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги диққатга сазовордир. Туркиянинг иқтисодий ривожланиш модули Ўзбекистонга жуда мос келиши туфайли парламент шу тўхтамга келди.

Дўст мамлакат савдо-саноат кишиларининг бу келиши — иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган ҳақиқий қадамдир, деб таъкидлади И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг бой табиий, хом ашё ресурслари ва Туркиянинг замонавий технологиялари, иқтисодий имкониятлари шу алоқалар пухталигининг кафолатидир. Қўшма корхоналарнинг барпо этилиши, иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа турлари иккала мамлакатга фойда келтиради.

Турк ишбилармонлари гуруҳининг раҳбари Эрул Ярар иззат-икром учун самимий миннатдорчилик изҳор этди. Мамлакатимнинг савдо-саноат кишилари икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшадилар, қадимий Ўзбекистон диёри уларга руҳан яқиндир. Бу учрашув — муносабатларни мустаҳкамлаш гаровидир.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, республика давлат ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар комитетининг раиси У. Т. Султонов, Денов районидаги С. Раҳимов номли колхоз раиси, республика халқ депутати И. Файзуллаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА КИРИШИЛДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги маслаҳатлашувларида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг БМТ аъзолигига қабул этиш тўғрисидаги аризаларини норасмий тарзда кўриб чиқишга киришди.

Хавфсизлик Кенгашининг январь ойидаги раиси Дэвид Хэннейнинг (Буюк Британия) журналистларга маълум қилишича, шу тариқа тегишли расмий тартиб-қоида бошланди. Шу ҳафтада Хавфсизлик Кенгашининг янги аъзолар қабул қилиш комитети ишини бошлашга қарор қилинди. Уч давлатнинг аъзолари ва улар юборган вакилларнинг ваколатлари кўриб чиқилганидан кейин мазкур комитет ўз хулосаларини Хавфсизлик Кенгашига тақдим этади. Якунловчи босқичда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг халқаро ҳамжамият аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги масала БМТ Бош ассамблеяси сессиясининг кун тартибига киритилади.

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Корея Республикаси халқи номидан ва шахсан ўз номимдан энг самимий қутловларни қабул этгайсиз. Сизнинг доно раҳбарлигингизда Ўзбекистон жумҳуриятининг халқи бундан буён ҳам зўр ютуқларга эришаверишига аминман. Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар келгусида ҳам иккала томоннинг фойдаси йўлида мустаҳкамланаверишига астойдил умидворман.

Яқин келажакда сиз жаноби олийларига Сеулда пешвоз чиқишдек ёқимли имкониятдан фойдаланишга муштоқман, сизга сиҳат-саломатлик ва олижаноб муддаоларингизда ҳар томонлама муваффақиятлар тилайман.

РО ДЕ У,
Корея Республикасининг Президенти.

●

Биз, Ҳиндистондагилар собиқ СССР ҳудудида рўй бераётган инқилобий ўзгаришларни зўр эътибор билан кузатиб турибмиз, шунингдек мустақил давлатлар ҳамдўстлигини барпо этишга сиз қўшаётган ҳиссанинг аҳамиятини тан олаяпмиз.

Жаноби олийлари, Ҳиндистон ташқи ишлар вазири берган баёнотга назарингиз тушган бўлса керак, албатта. Шу баёнотда у ҳамдўстликнинг барпо этилишини ижобий қадам деб баҳолади ва ҳамдўстлик таркибига кирувчи давлатларни принцип эътибори билан тан олишга қарор берилганини эълон қилди.

Шу мавриддан фойдаланиб, Ҳиндистон ҳукуматининг Ўзбекистонни мустақил давлат деб расмий равишда тан олиши ҳақидаги қарорини сиз жаноби олийларига шахсан билдирмоқчиман. Бизнинг ниятимиз сизнинг мамлакатингиз билан дарҳол дипломатия муносабатлари ўрнатишдан иборат. Сиз ҳам бу истакка қўшилишингизга ишонаман.

Ўтган қирқ йил мобайнида Ҳиндистон—Совет муносабатларининг мазмуни ва руҳига амал қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги самимий, дўстона муносабат ва ҳамкорликни давом эттиришдан умидворман.

П. В. НАРАСИМХА РАО,
Ҳиндистон Бош вазири.

●

Сайловдаги зўр ғалабангиз билан ва сиз Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти этиб сайланганингиз билан, шунингдек жумҳуриятингиз мустақил деб эълон қилиниши билан сидқидилдан табриклайман.

Сизга ва ўзбек халқига демократиялаш жараёнини ривожлантиришда ва бозор иқтисодиётига ўтишда муваффақият тилаш билан бирга мамлакатларимиз ўртасида дунёдаги янги воқеликка монанд самарали ва тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантира олишимизга ишонамиз.

Болгария Республикасининг Президенти доктор Желю ЖЕЛЕВ.

●

Умумхалқ овоз бериши натижасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти юксак лавозимига сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимизни қабул этгайсиз.

Сизнинг жумҳуриятингиз билан ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта аҳамият бераяпмиз. Мамлакатларимиз турмушида рўй бераётган чуқур ўзгаришлар ҳам икки томонлама йўлда, ҳам халқаро майдонда сифат жиҳатдан янги асосда мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда янги имкониятлар очишига ишонаман.

Ўзбекистон жумҳуриятининг тараққиёти ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Пунсалмагийн ОЧЕРБАТ,
Монголия Халқ Жумҳуриятининг Президенти

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Биз, 40 минг ўзганлик ўзбеклар сизни мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланганингиз билан муборакбод этамиз. Ишда муваффақият, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз, Ўзбекистон ташқарисида яшовчи биз, ўзбекларни унутмайсиз, деб умид қиламиз.

Қирғизистон Республикаси Ўзган шаҳри ўзбеклари.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Тожикистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ходимлари номидан ва шахсан ўз номимдан сизни тарихда биринчи марта қардош Ўзбекистон Республикаси Президентлигига умумхалқ томонидан сайланганлигингиз билан табриклашга рухсат этгайсиз. Ўзбекистон халқининг сизни сайлагани барқарорликни сақлашга, иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришга, жамиятда демократия, инсонпарварлик, эркинлик ва ижтимоий адолат қоидаларини қарор топтиришга қаратилган сиёсатингиз қўллаб-қувватланишининг ёрқин далилидир. Халқни тўйдирадиган деҳқонлар сизнинг турмуш даражасини яхшилашга ва меҳнатдан манфаатдорликни оширишга қаратилган фаолиятингизга ана шундай баҳо бермоқдалар.

Тожикистон қишлоқ хўжалик меҳнатчилари Ўзбекистондаги ҳамкасблари ва дўстлари билан тарихан таркиб топган алоқаларни бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришга, қардошларча дўстликни мустаҳкамлаб, уни ҳозирги воқеликка муносиб янги мазмун билан тўлдиришга қатъий аҳду-паймон қилганлар. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва ҳозирги мураккаб ва жўшқин даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимидаги ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Эҳтиром билан,
Тожикистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазири, халқ депутати
В. ВОҲИДОВ.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Хоразмликлар Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб сайланганлигингиз билан самимий қутлайдилар. Мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодини ривожлантириш, маданиятини юксалтириш, қадриятларини қайта тиклаш йўлидаги олижаноб, хайрли ишларингизга янгидан-янги муваффақиятлар, ўзингизга сиҳат саломатлик тилаймиз. Ҳурмат билан,

Р. ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг раиси.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич! Жиззах вилояти меҳнаткашлари Сизни энг юксак лавозим — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланганингиз билан самимий табриклайдилар. Халқнинг юксак ишончи Сизнинг кўп қиррали фаолиятингиз тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Жиззахликлар Сиз олиб бораётган ишни тўла қўллаб-қувватлайдилар. Сизни янги йил билан табриклаймиз. Мустаҳкам сиҳат-саломатлик, давлат ишидаги фаолиятингизга катта муваффақиятлар тилаймиз.

Э. ТУРСУНОВ,
Халқ депутатлари Жиззах вилоятн Кенгашининг раиси.

У. ОЛИМОВ,
вилоят ижроия қўмитаси раиси.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Умумхалқ референдумида республикамиз мустақиллигини якдиллик билан қўллаб-қувватлаган Бухоро вилояти меҳнаткашлари Сизни — истиқлолимиз учун мард курашчини эришилган ғалаба билан табриклайдилар. Улар муқобил номзодлар иштирокида ўтказилган сайловда катта ғалабага эришиб, жумҳурият халқи томонидан мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбдан қутлайдилар. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Она юрт — Ўзбекистонимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, бундан кейинги тараққиёти, халқимизнинг фаровон турмуши, нурли келажаги йўлидаги мардонавор фаолиятингизга доимо зафар ёр бўлсин.

Д. ЁДГОРОВ,
Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг раиси.

А. МУМИНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят Кенгашининг биринчи котиби.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА.

Жаноби олийлари! 1992 йилнинг дастлабки кунларида мусулмонларнинг жаҳон жамоаси ва «Матамар алалам ал-исломи» жаҳон конгресси номидан сизга, халқингизга, давлатингизга, мамлакатингизга энг яхши тилаклар йўллашга рухсат этгайсиз. Жумҳуриятингиз чеклашлар занжирларини улоқтириб ташлаб мустақиллик олди ва бошқа давлатлар билан ўз алоқаларини кенгайтирмоқда. Истаймизки, сизларга оллоҳ ёр бўлсин, сизнинг доно раҳбарлигингиз остида мамлакатингиз тинчликсевар ва тараққийпарвар жумҳурият тарзида равнақ топаверсин.

Доктор ИНАМУЛЛОХХОН,
Мусулмонлар жаҳон конгресси «Матамар алалам ал-исломи» бош котиби.
Карочи шаҳри, Покистон.

ТЕНГЛИК БЎЛИШИ КЕРАК

Кейинги ойлар кўп нарсаларга ўзгартишлар киритди. Иқтисодий тенглик бозор муносабатларига ўтишни тезлаштирмоқда. Республика Президенти ва ҳукумати бу борада халқни тез-тез огоҳлантириб турибди. Жумладан, бу йилги қиш фаслида аҳолини, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминлаш вазифаси ёмон бажарилмади. Айтиш мумкинки, Президентимиз раҳбарлигида танг аҳволга қарши кураш анча аввал бошлаб юборилди. Мана, қишнинг ярми ўтиб қолганига қарамай, меҳнаткашлар озиқ-овқат истеъмолида мушкул ҳолатга тушмадилар.

Бизнинг жамоада ҳам одамларни ижтимоий муҳофаза этиш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Энг муҳими, қишлик учун кенг истеъмол қилинадиган картошка, пиёз, буғдой ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди, ортиб қолганлари эса омборга ғамлаб қўйилди. Қувонарлиси шундаки, бундай тадбир республика бўйича амалга оширилди. Бошқа минтақаларда иқтисодий тангликдан норозилик намойишлари бўлиб турган бўлсада шукурким, бизда бунга ҳожат қолмади.

Буларнинг ҳаммасига республика раҳбариятининг олдинни кўра билиш сиёсати қўл келмоқда, деб ўйлайман. Бинобарин, ўнлаб чет мамлакатларнинг мустақил Ўзбекистонни танишлари ва турли соҳаларда у билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Туркия билан бошланган мулоқотлар эса халқимизнинг эртанги кунга бўлган умидини оширди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, тинч йўл билан ҳамкорлик ўрнатишга интилиш иқтисодий тангликка барҳам берадиган омиллардан биридир.

Ҳукуматимиз ички нархнавони ҳам маълум даражада ушлаб туришга ҳаракат қилмоқда. Чунки бирданига эркин бозорга ўтиш шундай ҳам ночор яшаётган минглаб кишиларни мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам аҳолининг айрим қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга ўтилди. Ойлик маошлар имкони борича оширилаётир. Озиқ ва ноозиқ овқатлар учун талон системасининг жорий этилиши маҳаллий аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бир кўринишидир. Яқиндан бошлаб купонга ўтилиши ҳам кўпчилик манфаатини ўйлаб қилинган ишдир.

Менингча, купон фойдали тадбир. Агар бу тадбир аниқ ишласа камёб моллар ташқарига чиқиб кетишининг олди олинади. Жойларда купон яхши амал қила бошлади. Лекин савдо ходимлари харидорлардан ҳамиша ҳам паспорт талаб қилишмаяпти. Агар паспортсиз мол бериладиган бўлса, купоннинг ҳожати қолмайди-ку. Яна бир фикр — у ҳам бўлса, аҳолининг кам ойлик оладиган қатлами қимматбаҳо буюмларни ола билмаслигида. Олай деса пули етмайди, купони эса камлик қилади. Шу боисдан ана шу қатлам учун қарзга купон беришни ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Шунда маълум даражада тенглик таъминланган бўларди.

А. АЗАМАТОВ,
Чиноз райондаги «Қизил Октябрь» жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими.

МУСУЛМОНЧИЛИК—АСТАЧИЛИК

Назаримда оппоқ тонг отаётгандек. Кўп ўтмай башарнинг заррин зиёси таралиб, олам мунаввар бўлгусидир. Айтмоқчиманки, бу истиқлол қуёшининг балқишини ҳаммамиз интизорлик билан кутаяпмиз. Зеро, бундай эзгуликка, рўшноликка эришиш аввало сабр-қаноатли бўлишни, кейин астойдил ғайрат кўрсатишимизни тақозо этади. Яқин келажакка умидворликдан ҳаммамиз бирдек руҳланиб, билимимиз, илмимиз, шарқона маънавиятимизни саъй-ҳаракатлар билан улуғлайлик. Бир ёқадан бош чиқарайлик.

Эҳ-ҳе, нималарни кўрмади бу бош. Инқилобни кўрдик. Икки уруш йилларини ўтказдик. Ўзимизда табиий офатлар бўлди. Ҳаммамиз туриб берди-гу. Энди кунимиз ўзимизга қолиб, рўзғоримиз алоҳида бўлганида нолишга берилиб кетмайлик. Ношукурчилик бўлади. Худога шукур, нон деганда кесак ғириллайдиган қаҳатчилик эмас. Бахтимизга давлатимиз бошлиғи донишманд экан, етти ўлчаб бир кесадиган киши чиқиб қолди. Эшитиб, билиб турибмиз. Мустақилликни мустаҳкамлаш осон бўлмаяпти. Ҳаммаси бирдан бўлармиди. Барибир шу туришда ҳам кўплар бизга ҳавас билан қарашяпти. Биз кексалар барака топгур Ислом Каримовни дуо қилиб ётибмиз. Отасига раҳмат.

Биз тенгқур хешлар билан гурунглашиб, бир пиёла чой устида ривоят, ҳикоят ва ҳикматларни ёшларга етказишга ҳаракат қиламиз. Шулардан бирини айтмоқчиман. Қадим замонда Рожа деган кишининг рўзғори жуда ночор аҳволга тушиб қолибди. Жўжабирдек жон экан. Хотини билан бамаслаҳат уйдаги ўтмас матоҳлардан кўтариб бозорга борибди. Озроқ тангали бўлиб, Тангрига шукурлар айтиб, болаларига бироз егулик излаб турганда эски қадрдонини учратиб қолибди. Маълум бўлишича, дўстининг аҳволи Рожаникидан ҳам тангроқ экан. Шунда у топганини дўстига бериб, уйига қайтибди. Хотини ҳайрон. Яна тимискилашиб, чети учган кўзачани олиб бозорга борибди. Ҳеч харидор топилмабди. Куннинг иссиғида кўтариб юраверибди, балиғини уринтириб қўйган киши Рожага дебди: «Иккимизнинг ҳам молимиз хароб экан. Кел яхшиси айирбошлаб қўя қолайлик». Улар шундай қилишибди. Рожа ҳиди бехузур балиқни уйга келтириб, яхшилаб ювиб, тузлаб пиширишга буюрибди.

Хотини суюниб, балиқнинг ичидан жавохир топганини айтибди. Эри эса: «Агар дурнинг тешиги бўлса бировники бўлади, йўқса худонинг етказгани рост», дебди. Дур бутун экан. Уни таниш савдогар дўкончига кўрсатибди. У минг динордан ортиқ беролмайман, дебди. Муюлишдаги дўкондорга кўрсатсанг баҳоси юқорироқ бўлади, деб маслаҳат берибди. Дўкондор Рожага 7 минг динор бериб хурсанд қилибди. Севинчи ичига сиғмаган Рожа уйига кираётса, ортидан овоз келибди: «Рожа садақа қилмайсанми?» Ие, садаганг нимаси, бойликни тенг бўламиз, дебди Рожа. «Ниятинг пок экан, топганинг ҳалол бўлсин ва ўзингга буюрсин. Сени синаш учун сўрагандим», деб отахон кўздан ғойиб бўлган экан.

Бу ривоятни шунчаки айтганим йўқ. Биз шарқликлар аслида луқмаи ҳалолни фарзандларимизга раво кўрувчи халқмиз. Топганимизни баҳам кўриш ҳам удумимиз. Айни тақчил ва ўтиб кетадиган шу кунларда бирбиримизга эш бўлиб, ўзлигимизни унутмасдан хайрли ишларга қўл урсак, айни муддао бўлади. Харомхаришни фарқлайлик. Тежаб тергашни ўрганайлик. Уволдан қўрқайлик. Шунда топганимизга барака киради.

Ҳакимжон АБДУМАЛИКОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

ДЕҲҚОНГА ОСОН ЭМАС

Бозорга тушганларимда деҳқон шаънига таънага ўхшаш гапларни эшитиб қоламан.

— Нархи осмондаку, инсоф билан айтинг-да, — дейди харидор тутақиб.

— Эл қатори сотаяпман, бошқа нарсаларнинг ҳам баҳоси ерда эмас, — жавоб беради деҳқон ҳижолат билан.

Деҳқон унчалик сўзамол эмас, бўлмаса бирпасда иқтисодиётдаги кескин ўзгаришларни таърифлаб, харидорни айтганларига пушаймон едирарди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, деҳқон ўз молини арзон қилгани билан нима ютади? Давлат, кооператив, тижорат йўллари билан сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари нархи жуда баландда-ку. У ўз маҳсулотини арзон сотиш эвазига кўрган даромадга, табиийки, ҳеч нарса сотиб ололмайди. Бинобарин, деҳқон бошқа томонлардан ҳам талай муаммоларга дуч келиб туради. Айтайлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат ҳали ҳам бирмунча арзон нархда сотиб олмоқда. Масалан, бир дона тухумнинг таннархи атиги ўн тийинни ташкил этмоқда. Давлат йўли билан у ўттиз беш тийиндан сотилмоқда. Бозорда эса унинг баҳоси бир ярим —икки сўмга чиқиб кетди.

Эндиликда деҳқон аввалги деҳқон эмас. У ҳисоб-китобни, эртанги кунда қандай ишласа қандай яшашини яхши тушунади. Энди у амалда мустақил бўлишга интиляпти. Юқоридан бўладиган буйруқ, кўрсатмаларсиз меҳнатни ташкил қилишни истаяпти. Ўтган йили картошка етиштиришда ҳам бир қанча муаммолар пайдо бўлди. Уруғнинг ўзи икки-уч сўмданга тўғри келди. Хўш, айтингчи, қанча маблағ, куч сарфланиб, етиштирилган унинг ҳосили бозорда неча сўмдан сотилиши керак эди?

М. ИСМАТУЛЛАЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги ижарачиси.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси

МУРАККАБ ЕЧИМЛАР ДАВРИ

Сессия икки кун давом этди. Ғоят қизғин ўтган шу икки кун давомида республика ҳаётига доир энг муҳим масалалар чуқур муҳокама қилинди. Улар орасида ҳамманинг эътибори қаратилган асосий масала — республиканинг 1992 йилги бюджетини тузиш, амалдаги солиқ тўғрисидаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш ва ниҳоят Ўзбекистонда эркин нарх-наволарга ўтиш чора-тадбирлари муҳокамаси эди. Сессия мажлисининг иккинчи куни ана шу масалалар учун ажратилди. Бу ҳақда Ўзбекистон молия вазири Э. Ж. Боқибоев ва республика Олий Кенгашининг иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзиниўзи бошқариш қўмитасининг раиси Э. Н. Хўжаевлар маъруза қилдилар.

Гапнинг ростини айтганда баъзи депутатлар ва Олий Кенгаш сессияси ишида мухбирлик қилаётган матбуот вакиллари мана шу масалалар муҳокамаси осонлик билан ўтмаслигини, жуда кўп тортишувлар ва баҳслар келиб чиқишини кутишаётган ҳам эди. Биз кечаги ва бугунги мажлислар оралиғидаги танаффусларда халқ депутатлари билан суҳбатлашганда улардан мана шундай фикрлар эшитгандик. Бироқ молия вазири Э. Ж. Боқибоев ва қўмита раиси Э. Н. Хўжаев ўз маърузаларини шундай пухта тайёрлашган эдики, музокара пайтида ҳеч ким унга қарши гапиргани йўқ. Нотиқлар келтирган мисоллар ҳаммани чуқур ўйлантириб қўйди.

Чиндан ҳам Ўзбекистоннинг бу йилги бюджети ғоят ташвишланарли аҳволда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили республикада давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлар бўйича бажарилиши, яъни харажатлар 32,6 миллиард сўмни, даромадлар бўйича эса 28,5 миллиард сўмни ташкил этди. Иттифоқ бюджетидан 15,8 миллиард сўм олинди. Энди эса, ҳаммага маълум, бюджет камомадини жуда ҳам қийинчилик ва камситишлар эвазига бўлса ҳам тўлдирадиган Иттифоқ йўқ. У чок-чокидан сўкилиб битди. Даромад ҳам, камомад ҳам барча ютуқ ва камчиликлари билан республиканинг зиммасида.

Ўзбекистон раҳбарияти мана шуни эътиборга олиб, республиканинг 1992 йилги бюджетини тузишига иқтисодиётчи халқ ноибларини, энг йирик мутахассислар ва олимларни жалб этди. Улар республика бюджетини тузиб чиқдилар. Гарчи бир йиллик бюджет 96 миллиард сўм қилиб белгиланган бўлсада, унинг кирим қисми 75 миллиард сўмни ташкил этади. Бу эса худди бўйи калта кўрпадек, бошга тортсанг оёқ очилиб қолади, оёқни ёпсанг, бош очилади. Бунинг устига республика бозор иқтисодиётига қадам қўйди. Тақчиллик, қимматчилик, пулнинг қадрсизланиши авж олган мана шундай даврда халқни, айниқса, унинг кам даромадли, камбағал ва нафақахўр табақаларини ҳимоя қилиш сув билан ҳаводек зарур. Бунинг устига собиқ Иттифоқдаги мустақил давлатлар иқтисодий шартномалар асосида республикамизга етказиб берадиган энг муҳим маҳсулотлар —озиқ-овқат, кийимкечак, нефть, техника ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг нархини осмонга чиқариб юборяпти. Агар Ўзбекистон озиқ-овқат ва кийимкечакнинг 50 фоиз, нефть маҳсулотларининг 100 фоиз нари-берисида четдан олиб келиши назарда тутиладиган бўлса, булар республика учун нечоғлик қимматга тушаётганини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Хўш, мана шундай шароитда халқни қийнаб қўймаслик учун нима қилиш керак?

Республика молия вазири 1992 йилги бюджетни тузишнинг асосий қирралари ҳақида гапирар экан, бюджетлар харажат қисмининг катта миқдори ҳозир карточка тизими бўйича халққа етказиб берилаётган 12 хилдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар учун ажратилишини таъкидлади. Мана шу биргина мисолнинг ўзи республика ҳукуматининг халқ моддий турмуш шароитини яхшилаш, уни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш учун нечоғлик ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Биз Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа республикаларда нарх-навонинг жилови бўшатиб юборилганлигини айтдик. Қўшни республикалардаги эркин нарх-наво Ўзбекистон учун таъсир этмай қолмаслиги аниқ.

Қўшни республикалардан ҳозирча дарвозаси очиқ Ўзбекистонга пул кўтариб келиб арзон баҳоларда мол олиб, ташиб кетилмайди, деб ким кафолат бера олади?

Тўғри, Ўзбекистон Президенти Кенгаши ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси четга мол ташиб кетиш олдини олиш мақсадида талон тизимини сақлаб туришга ва бутун республикада купон тизимини жорий этишга қарор қилди. Купон тизими шу йилнинг 10 январидан бошлаб ишламоқда. Аммо булар аҳолини муҳофаза қилиш учун камлик қилади. Иқтисодий аҳвол шиддат билан ўзгариб турган ҳозирги кун бу соҳада қўшимча чора-тадбирлар белгилашни ҳам тақозо этмоқда.

Молия вазирининг маърузасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, республикамизда ҳам эркин нарх-наволарга ўтмай аҳволни ўнглаб бўлмайди. Аммо бу ишни шундай ташкил этиш керакки, эркин нарх халқни эзиб-янчиб юбормасин. Республиканинг 1992 йилги бюджетида мана шулар ҳам кўзда тутилган. Жумладан, нон, мой, чой, шакар ва шу каби маҳсулотларга таннарх атрофида нарх қўйиб, улардан келадиган камомадлар ўрни бюджетдан қоплананди. Шунингдек, болалар кийим-кечаги ва пойабзали нархини оширмаган ҳолда таннарх билан чакана нарх ўртасидаги фарқни қоплашни ҳам давлат ўз зиммасига олмоқда. Ҳар йилгидек, бу йил ҳам соғлиқни сақлаш ишлари, фан ва маданият соҳаси учун, Орол денгизига боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадлари учун ҳам нисбатан кўпроқ маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Шу ерда савол туғилади. Хўш, бюджет камомади аниқ бўлиб турган бир пайтда халқни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ажратиладиган бу маблағлар қаердан олинади? Вазир бу саволга бошқа республика ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, солиқ тизимини такомиллаштиришни таклиф қилди. Масалан, Ўзбекистондан четга чиқарилаётган маҳсулотлар учун албатта солиқ жорий қилиш керак. Аммо янги қонунда халқнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида маошлардан олинадиган солиқлар турини ўзгартирмаслик кўзда тутилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, илгари энг кам миқдордаги иш ҳақи— 160 сўмгача бўлган даромаддан ҳеч қандай солиқ ундирилмас эди. Ўзбекистон Президентининг кўрсатмаси билан республика бўйича энг кам миқдордаги иш ҳақи 350 сўм қилиб белгиланмоқда. Демак, янги қонун асосида бундан кейин ҳам 350 сўмгача бўлган маош ҳисобидан солиқ олинмайди. Аммо маош миқдори ошиб борган сари, ундириладиган солиқ миқдори ҳам кўпайиб бориши ўз-ўзидан аёндир.

Музокарада қатнашган халқ ноиблари сессия ҳукмига ҳавола қилинган республиканинг 1992 йилги бюджетини тузиш ва эркин нарх-наволарга ўтиш чора-тадбирлари ҳақидаги масала тўғрисида фикр юритганларида республика ҳукуматининг бу масалага нечоғли диққат-эътибор билан халқнинг манфаатини кўзлаб ёндошганлигини эътироф этдилар. Ҳар бир нотиқ Ўзбекистон Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ҳозирги оғир пайтда кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун ёрдам бераётганлигини аниқ мисоллар билан исботладилар. Сессия кўпчилик овоз билан муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳужжатларни тасдиқлади.

Тўғри, янги солиқ тизими ва эркин нарх-наволар маълум бир муддат давомида халқнинг ҳаётини бироз оғирлаштириши мумкин. Аммо бу чора-тадбирлар вақтинчалик эканлигини, қийин, машаққатли кунлар орқада қолиб, ёруғ кунларга чиқиб олишимиз тайинлигини унутмаслигимиз керак.

* * *

Олий Кенгаш сессияси мажлисларини жиддий бир сабоққа қиёс қилса арзийди. Унда муҳокама ва таҳлил этиладиган масалаларни ўнлаб ташкилот ва қўмиталар, юзлаб мутахассислар тайёрлайди. Сидқидилдан ёндошиб, пишиқ-пухта ва тушунарли қилиб тайёрланган масалалар халқ ноиблари таҳлилидан ўтиб, тасдиқланади. Пухта тайёрланмаган масала эса жуда кўп тортишувларга ва пировард натижада қайта ишлашларга сабаб бўлади. Навбатдан ташқари тўққизинчи сессиянинг кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам фикримизнинг далилидир.

Сессияда қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди.

Р. ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.





Суратларда: сессия залида. ЎзТАГ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОЛОГИЯ ХИЗМАТИ 65 ЁШДА

14 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Геология хизматининг 65 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилишда геологлар ва кончилар, республика олимлари, шунингдек, янги Ҳамдўстлик бир қатор мустақил давлатларидан келган меҳмонлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар комитети раиси Т. Ш. Шоёқубовнинг маърузасида, йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида тармоқнинг катта аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди, бу тармоққа Тошкент Давлат дорилфунунининг олимлари ҳамда муаллимлари асос солганлар. Ўзбекистон халқ хўжалигида минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Республикамизда турли металлар, ёқилғи энергетика, кон-руда, кон кимёси ва рангли тошлар хом ашёси қазиб олинадиган 2500 тадан кўпроқ кон топилган. Шунингдек, ер ости сувлари ҳам кашф этилган. Улар юзлаб миллиард доллар баҳоланади.

Техникавий жиҳозланиш жиҳатидан бугунги кундаги даража қазилма ишлари даражасини барқарор тарзда ушлаб туриш, фойдали қазилмаларнинг янги турларини топиш имконини беради. Бироқ мамлакат ва республика бошидан кечираётган умумий қийинчиликлар геология соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Ишларни пул билан таъминлашда ҳам, ер ости конлари разведкачиларини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашда ҳам муаммолар бор.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари К. Ж. Ҳаққулов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ОМИЛКОРЛИК САБОҚЛАРИ

Аҳолининг жамғариб қўйган пуллари ёрдами билан Ватанимиз ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган тақчил халқ истеъмоли молларини савдо тармоқларига етказиб берамиз, пештахталарни молларга тўлдирамиз. Андижон вилоят матлубот уюшмасининг Шаҳрихон районлараро савдо базаси жамоаси шундай тадбирни амалга оширишга қарор қилди.

Пештахталарнинг ғариблиги сабабли одамларнинг қўлларида кўп пул қолиб кетяпти. База кооператорлари саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун ана шу маблағлардан фойдаланишга қарор бердилар. Пайчиларга ҳамда бошқа кўнгилли кишилар — ўз маблағини ажратганларга кафолат берилиб, уларнинг пуллари сақланади, айни вақтда 10 фоиз миқдорида қўшимча берилади.

Шундай қилиб савдо базаси қисқа муддатда ўз ходимларидан, шунингдек Шаҳрихон шаҳри ҳамда район аҳолисидан бир миллион сўмдан кўпроқ пул йиғиб олди. Умуман Андижон вилоят матлубот уюшмаси тизимида аҳоли жамғармаларидан олинган пул деярли 15 миллион сўмни ташкил этди.

(ЎзТАГ)

Эшитмадим деманглар

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ЖИДДИЙ ХАВОТИРЛИК

Украннанинг Қизил Байроқ орденли Қора денгиз флотини ўз ихтиёрига олиш нияти муносабати билан Россия, шунингдек, собиқ иттифоқнинг бошқа республикалари фуқаролари ва ташкилотлари хавотирлик билдирмоқдалар.

Улар Россия Федерацияси Олий Кенгашининг Раиси Руслан Хасбулатов номига юборяётган мактубларида шу ҳақда ёзмоқдалар. Россия Олий Кенгаши матбуот марказининг хабар қилишича, бу мактубларни ёзган кишилар Украннанинг ниятини мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қарор топиши жараёнида беқарорлаштирувчи бир омил, деб баҳолайдилар.

«ТУРКМЕНИНФОРМ» «ТУРКМЕНПРЕСС» БЎЛДИ

Туркманистоннинг шу пайтгача «Туркменинформ» деб аталиб келган Иттифоқ-Республика ахборот бошқармаси республика Президенти Сапармурод Ниёзовнинг фармонига биноан «Туркменпресс» давлат ахборот бошқармасига айлантирилди.

Туркманистон Президенти идорасидан шуни маълум қилиндики, фармонга биноан ахборот бошқармаси тўғрисидаги низом лойиҳаси республика Адлия вазирлиги билан келишилиб, бир ой муддатда ишлаб чиқилиши ва Туркманистон ҳукуматининг тасдиғига тақдим этилиши лозим. Мурод Каранов «Туркменпресс» директори қилиб тайинланди.

ОЛИЙ КЕНГАШ ҚАРОРГОҲИ

Бундан буён Россия Оқ уйининг бирдан бир давлат муассасаси — Олий Кенгашнинг маскани бўлиб қолади.

Энди Президент девонлари Кремлда жойлашади, Президентнинг расмий қароргоҳи ҳам шу ерда бўлади. Ҳукумат идоралари эса собиқ КПСС Марказий Комитетининг эски майдонидаги биноларга кўчиб ўтади.

ХОРИЖДА

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ТАН ОЛИНДИ

Болгария ҳукуматининг қарори билан Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон мустақил давлатлар деб тан олинди.

Болгария ҳукумати эндиликда улар билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга тайёр эканини ҳам изҳор қилди. БТА агентлигининг хабар қилишича шу қарор билан Грузия ва Озарбайжоннинг мустақиллиги ҳам бир йўла тан олинди.

ФУҚАРОЛАР УМИДИ

Кейинги пайтларда АҚШ Президенти Жорж Бушнинг обрў-эътибори ҳаддан ташқари паст даражага тушиб кетган бўлса ҳам кўпчилик америкаликлар унинг иккинчи муддатга АҚШ Президенти лавозимига қайта сайлана олишига умид қилмоқдалар.

Жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган савол-жавобнинг эълон қилинган натижалари шундан дарак беради. Якунларнинг кўрсатишича, америкаликларнинг атиги 46 фоизи Бушнинг мамлакат Президенти вазифаларини уддалаётганидан мамнундир. Бир йил муқаддам унинг обрўси энг юқори поғонага — 89 фоизга кўтарилган эди. Ички сиёсий муаммолар, аввало иқтисодиётнинг бир жойда депсиниб туриши Президентнинг энг заиф жиҳати бўлиб қолмоқда.

ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Филиппин Президенти Корасон Акино маҳаллий заминдорлар ва сиёсий арбоблар қарамоғидан хусусий армияларни қонундан ташқари деб эълон қилди.

У Филиппин миллий полицияси ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари ҳузурида сўзлаган нутқида у ёки бу сиёсий тўдаларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи тузилмалар мамлакатдаги барқарорлик ва ҳуқуқ-тартиботга хавф солаётганлиги таъкидланди.

(Марказий газеталар, ЎзТАГ ва ТАСС хабарлари асосида тайёрланди).

Эшитмадим деманглар

• *Илм-фан: ўзгаришлар йўлидан*

ШИФОБАХШ ПОЛИМЕРЛАР

Бизда етарли қувватга эга бўлган синтетик полимерлар технологияси мавжуд. Халқ хўжалигининг полимерлар ва полимер материалларини (пластмассалар, резина — техник маҳсулотлар) ишлатмайдиган соҳани топиш амри маҳол. Полимерлар катта молекуляр оғирлигига эга бўлгани учун ўзининг ажойиб хусусиятларига эга. Шунинг учун у турмушимизда ишлаб чиқариш корхоналарида кўп муаммоларни ҳал қилишда қўл келяпти.

Полимерлардан, айниқса, пластмасса шаклидаги турларидан ясалган бир маротаба ишлатиладиган тиббиёт игналари, жарроҳликда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, қўшимча восита сифатида ишлатиладиган тиббиёт воситалари, санитария ва гигиена буюмлари кўплаб ишлатилмоқда. Полимер материалларидан тайёрланган даволаш хусусиятига эга бўлган ташбеҳловчи воситалар, жарроҳликда қўлланиладиган чокловчи материаллар, сунъий аъзолар, протезлар, пластмассадан тайёрланган жағлар, тишлар, бўғинлар, қон томирлари, юракнинг қопқоқчалари ва турли-туман протез воситалар ҳозирги вақтда ҳеч кимни ҳайратда қолдирмайди. Олимлар ва мутахассислар жуда мураккаб «архитектурали» инсоннят учун табиат яратмаган «эҳтиёт қисмлар»ни бунёд этишга муваффақ бўлдилар. Лекин кишини ҳайратда қолдирадиган кашфиётлардан бири, полимерлардан шифобахш воситалар ёки инсонни даволаш хусусиятига эга бўлган дори-дармонлар яратишдир.

Полимер дорилари бутунлай янги синфни ташкил қилувчи даволовчи воситалардандир. Бу воситалар инсонни ва ҳайвонот дунёсини кўп хавфли касалликлардан халос қилишда қўл келади. Полимерлардан физиологик фаол бирикмалар яратиш Ўзбекистонда равнақ топмоқда. Чунки, ўлкамиз ҳисобсиз тиббий физиологик фаол моддалар яъни, ўсимликлардан ажратиб олинадиган дори-дармонларга бой. Халқимиз бу моддалардан қадимдан муваффақиятли фойдаланиб келган. Бу борада катта тажрибага эга. Аждодларимиз Луқмони Ҳаким, Ибн Сино ва бошқа буюк олимлар азалдан бошлаб халқимизни шу воситалар билан даволаганлар. Тиббиёт фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам республикамизда юқори молекулали бирикмалар асосида дори-дармонлар яратишга асос бор. Дунёда биринчи маротаба табиий физиологик фаол моддалар асосида шифобахш полимерлар кашф қилиш Тошкент Давлат дорифунунининг ёш олимларига насиб бўлди. Эндиликда Ўзбекистон олимлари сунъий шифобахш полимерлар яратишда дунёда етакчи ўрин тутади. Бу ишлар профессор Ў. Мусаев бошчилик қилаётган ТошДД мактабининг илмий йўналишидир.

Полимер дорилар нима? Улар оддий дорилардан нима билан фарқ қилади? Ҳар бир дорининг даволаш меъёри бор. Шу меъёрда дори миқдорини организмда ушлаб туриш учун уни қайта-қайта, такрорий юбориб туриш керак. Одам касалланганда организмга маълум муддатда бир неча маротаба дори юбориб турилиши ана шундан. Демак, бемор шу тавсияга эътибор бериб, дорини қабул қилиш вақтига амал қилиши керак. Агар дори белгиланган муддатдан олдин қабул қилинса, унинг миқдори, албатта, керакли меъёрдан ортиб кетади ва танага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мабодо, дори кўрсатилган муддатидан кечроқ қабул қилинса, у ҳолда дорининг даволаш самарадорлиги камайиб кетади. Лекин ҳар бир тирик жон ташқаридан қабул қилинган физиологик фаол модда билан турлича курашиш қобилиятига эга. Шунинг учун жуда «интизом»ли бемор бўлган тақдирда ҳам дорининг керакли миқдори танада қўпайиши ёки камайиб кетиши мумкин. Бу муаммолар мавжудлиги туфайли мутахассислар олдига дорининг терапевтик фойдали миқдорини узоқ муддатда мунтазам равишда ушлаб туриш вазифаси қўйилган эди. Шу муаммони ҳал этишда полимерлар кимёсининг ютуқлари қўл келди. Сувда эрийдиган, организм учун зарарсиз бўлган полимермакромолекулаларига танланган дори молекулалари пайванд қилинди. Шундай қилиб полимер хусусиятли дорилар кашф қилинди. Шундай полимер дорилар танага бир карра юборилгач бир неча кун, ҳаттоки бир неча ойлаб ҳам киши организмини мунтазам равишда дори билан таъминлаб туради. Бундай дорилар айниқса, сурункали хасталикларни даволашда жуда керак. Полимер хусусиятига эга бўлган дориларнинг афзаллиги бу билан чекланмайди. Аввало, дориларнинг салбий хусусияти бўлган заҳарли хоссалари камаяди, даволаш самарадорлиги ортади.

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитнинг бузилиши туфайли жигар, буйрак каби дардлар кўпайиб кетиб, натижалимерлар ҳозирги вақтда гемосорбиция жараёнида ишлатишда тавсия этилди. Бу препарат АҚШда қўлланиладиган «Полибрен» ёки мамлакатимизда қўлланиладиган «Протамин сулъфат» деб аталувчи моддаларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Полибрен табиати жиҳатидан синтетик полимер. Заҳарлиги анча юқори. Ўз вазифасини бажаргандан сўнг киши танасидан анча вақтгача чиқиб кетмайди. Протамин эса энг олий навли балиқлар уруғларидан олинади. У ҳам бир қанча камчиликларга эга. ТошДД олимлари томонидан яратилган препарат эса арзон. Ўрта Осиё ҳудудида ўсадиган маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинади. Кашф этилган полимерларнинг яна бир ажойиб хусусияти бор. Уларни табиий ва синтетик полимерлар билан биргаликда қўшиб олинган материаллари қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Бундай гемостатик материаллар жарроҳлик ишларида, кундалик турмушда кўп керак бўладиган бинтлар, тампонлар ва парда материалларидир. Бу воситалар ҳозирги тиббиётда қўлланилаётган воситаларга нисбатан фаолдир.

Хуллас, полимерлар кимёси тиббиёт учун катта имкониятларни яратиб бермоқда. Лекин полимерлар кимёсининг бундай афзалликлари фақат инсоният учун хизмат қилибгина қолмай, балки улар қишлоқ хўжалик ҳайвонлари турли касалликларининг олдини олишда, даволашда фаол ишлатилмоқда. Айниқса, Ўрта Осиё шароитида қорамол ва қўйлардаги инвизион, баъзи юқумли касалликлар чорвачиликни ривожлантиришда катта қийинчиликлар туғдирмоқда, АҚШда протозой касалликлари мамлакатга йилига бир миллиард доллар зарар келтиради. Ўзбекистонда ҳам гельминтоз ва протозой хасталиклари кенг тарқалган. Буларни даволаш ва олдини олиш учун ишлатиладиган дорилар кам қувватли, заҳарли ва қисқа муддатли таъсирга эга. Ана шундай дардларнинг олдини олиш, даволаш учун ТошДД олимлари Ўзбекистон ветеринария илмгоҳи олимлари билан ҳамкорликда полимер хусусиятига эга бўлган янги дори яратдилар. Бундай алтигельминт дорилар қўйга бир марта юборилганидан сўнг, уч ой давомида таъсир кўрсатади. Антипротозой дорилар эса қорамолларга бир марта юборилгач 45 кун муддатгача касалликдан муҳофаза қилади. Бундай полимер доривор моддалар эса ветеринар шифокорлар ишини осонлаштиради, қимматбаҳо дориларни иқтисод қилиш имконини беради.

Ўзбекистон олимларининг полимер кимёси соҳасидаги илмий ишлари тиббиёт учун, ветеринария учун ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун катта имкониятлар яратмоқда.

М. ҚУРБОНОВ.

• *Сизда қандай янгиликлар бор?*

ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН

●Қарши шаҳрида шаҳарлараро электрон телефон станцияси ишга туширилди. У 1635 та каналга мўлжаллангандир. Энди шаҳарликлар телефон орқали республиканинг йирик шаҳарлари ва ҳамдўстлик давлатларининг айрим шаҳарларида яшовчи яқин кишилари билан гаплашишлари мумкин.

— Ҳозирча «АМТС — кварц» каналлари учинчи телефон автомат станциясига уланди, — дейди шаҳар техник алоқа ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи У. Воҳидов. — Аҳолига кенг қулайликлар яратиш учун шу йилнинг биринчи кварталида тўртинчи ва бешинчи автомат телефон станцияларини янги каналларга улаймиз. Ана шунда бу АТСларга қарашли телефонлар орқали ҳеч қандай қийинчиликсиз шаҳарлараро алоқага чиқиш имконияти юзага келади.

ОҚАВА СУВДАН

●ШАҲРИСАБЗ гўшт комбинатида кир совун тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шуниси диққатга сазоворки, маҳсулот учун ҳеч қандай ашё сарфланаётгани йўқ. Оқова сувдан ушлаб қолинган қолдиқ ва чиқитлар қайта ишланиб, совун тайёрланяпти. Дастлабки маҳсулотлар медицина муассасаларига жўнатилмоқда.

«ҚИШЛОҚ ТУРМУШИ»

● Қашқадарё вилоятида шу йилдан бошлаб янги ҳафталик рўзнома чоп этила бошланди.

Бу вилоят давлат кооперативи, агросаноат уюшмаси ва касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг «Қишлоқ турмуши» хафталигидир. «Қишлоқ турмуши»нинг дастлабки сонида муассис ташкилотлар раҳбарлари, рўзномалар муҳарририятлари ва ташкилотларнинг қутловлари ва турли мавзудаги мақолалар ёритилган.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТДА ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН БИРЖАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ТУТГАН ЙЎЛИ ҲАҚИДА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИГА

МУРОЖААТНОМА

● Яқинда Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон биржалари уюшмасининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳукумат бошлиқларига мурожаатнома қабул қилинди. Қуйида ушбу ҳужжат билан танишасиз.

Биз халқларимиз ҳаётидаги тарихий даврда яшамоқдамиз.

Мустақил давлатлар, уларнинг ҳамдўстлиги иқтисодий, сиёсий ва миллатлараро танглик тобора чуқурлашган, аҳоли турмуш даражаси анчагина пасайган бир шароитда вужудга келмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим имзолангандан кейин ўтган вақт шуни кўрсатдики, демократик кучлар қўлга киритган ғалабадан мағрурланишга ҳали эрта. Биз ҳақиқий мустақиллик ва маърифатли муносабатлар сари ўтиш даврига қадам қўйдик, холос. Сиёсатда ва иқтисодиётда тоталитар тузум меросини йўқ қилишга эндигина киришилди.

Ҳозир жамиятнинг соғлом кучларини — давлат арбоблари ва сиёсатчиларни, демократлар ва либералларни, ишбилармонлар ва бизнесменларни, олимлар ва амалиётчиларни, ишчилар ва колхозчиларни, фермерлар ва ижарачиларни бирлаштириш ҳар қачонгидан зарурдир. Тинчлик ва тараққиёт ғоялари кимгаки азиз ва мукаррам бўлса — уларнинг ҳаммаси келишиб ҳаракат қилиши лозим. Ана шундагина иқтисодий тангликни бартараф этиш, туб иқтисодий қайта ўзгартишларни таъминлаш, бозор муносабатларига қатъиян ўтиш, жаҳон ҳамжамиятига равонлик билан қўшилиш мумкин.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалар уюшмаси:

— мустақил давлатлар ҳокимиятининг конституцион органларини қўллаб-қувватлайди. Чунки, ишбилармонликни сиёсий барқарорликсиз, унинг ривожига бериладиган кафолатсиз тасаввур қилиб бўлмайди;

— ҳар қандай янгича номлар ва шиорлар ниқоби остида тоталитар режимнинг таркибий қисмларини таъмирлашга қаршидир;

— ишбилармонлик фаолиятини, кичик ва хусусий бизнесни кенгайтириш тарафдоридир. Бунда хусусий мулкчиликни амалий ишчанлик ва иқтисодий ўсишни юксалтириш асоси деб, амалий ишчанликни ўстириш мақсадларида бюджет ва солиқ сиёсатини мувофиқлаштириб олиб боришни таъминловчи омил деб устун қўяди;

— минтақадаги мустақил давлатлар ўртасида имзоланган иқтисодий битимлар ва шартномаларни моллар, сармоя ва кўрсатиладиган хизматлардан улар ҳудудларида бемалол фойдаланиш ҳуқуқини берувчи амалий ишлар билан тўлдириш тарафдоридир. У моллар ва кўрсатиладиган хизматларнинг ҳаракатини чеклаб қўйишга йўл бермасликни таъминловчи кафолатларни яратиш, эркин бозор оборотини соҳаларини изчил кенгайтириб бориш учун курашади;

— барча даражадаги ижтимоий ва сиёсий ҳокимият органларида нодавлат тузилмаларининг фаол иштирок этишини, биржа ҳаракатини ривожлантириш учун ҳуқуқий негизни зудлик билан вужудга келтиришни истайди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари уюшмаси монополияга қарши сиёсатни ўтказишда сусткашлик қилиш мумкин эмас деб ҳисоблайди. Негаки, акс ҳолда сохта бозор тузилмаларининг фаоллашиш хавфи вужудга келади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари уюшмаси ўз йўлини қатъий туриб ҳимоя қилади, ҳамма жойда эркин бозор муносабатларини қарор топтиришга кўмаклашади. Унинг эшиги ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги, тинчлик ва тараққиёт ғоялари муқаддас бўлган барча кишилар ва ташкилотлар учун очиқдир.

Мурожаатнома Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари уюшмаси бошқарувининг 1992 йил 10 январдаги кенгайтирилган мажлисида қабул қилинган.

МЎЪЖАЗ КОРХОНАЛАР САМАРАСИ

Марҳамат районида аҳолини иш билан банд этиш борасида анчагина хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, хўжаликларда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарувчи меҳнат ширкатлари, мўъжаз корхоналар ташкил этиляпти. Бу эса ишсиз юрган аҳолини доимий иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Ҳозир районда «Шарқ», «Мурувват», «Олтин водий», «Ижод» сингари 20 дан зиёд кичик корхона ишлаб турибди. Мазкур корхоналарда аҳоли учун зарур бўлган кийим-кечаклар, бинокорлик материаллари ва бошқа буюмлар тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам бир қатор меҳнат ширкатлари фаолият кўрсатяпти. Улар аҳоли дастурхонини турли хил мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлдириш йўлида хизмат қилишмоқда.

М. БОЛТАБОЕВ,
С. ҲАЙДАРОВ,
Андижон вилояти.

Сирдарё вилояти. Оқ олтин районидаги «Тошкент-Коттон» қўшма корхонасининг дастлабки тикувчилик фабрикаси маҳсулот бера бошлади. «Оқ олтин» номи билан юритилаётган бу фабрикада ҳозир ҳар ўн етти секундда жинси кийимларидан бир жуфти тайёрлаб чиқарилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, харидоргир жинси кийимларининг ҳар жуфтини ишлаб чиқаришга атиги 10 секунд сарфланадиган бўлади.

СУРАТЛАРДА: ўнгда — «Тошкент — Коттон» Италия қўшма корхонасининг бош директори Паоло Кварантачинкве (ўртада) жинси фабрикаси иши билан танишмоқда. Чапдаги суратда эса цех бошлиғи Галина Ли (чапда) ва тикувчи Олия Молдабекова иш устида.

Р. ШАГАЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

• *Ҳаракатда баракат*

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Қибрай районидаги Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент вилоятида йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Жамоа аъзолари 1991 йил давомида 180 миллион дона тухум ва 1180 тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Шу мақсад йўлида самарали иш олиб борилди. Паррандалар сонини кўпайтириш, уларнинг соғлом бўлишини таъминлаш, озуқаларнинг таркиб ва сифат жиҳатидан талаб даражасида бўлиши, мавжуд воситалар кучи ва имкониятларидан тўла фойдаланиш борасида амалга оширилган тадбирлар ўз мевасини берди. Истеъмолчиларга белгиланган йиллик кўрсаткичдан 2,5 миллион дона тухум, 280 тонна пархез гўшт кўпроқ етказиб берилди. 3500 тоннадан зиёд озуқа тежаб қолинди.

Бирлашма ютуқларининг асосий омили — жамоа аҳлида ишлаб чиқаришга онгли муносабат шакллантирилганидадир. Бугунги кунда бирлашма ишчи-хизматчиларига, турар жой биноларидан бепул ёки имтиёзли фойдаланиш имконияти яратилган. Шу билан бирга коммунал хизмат учун ҳеч қандай ҳақ олинмайди. Бирлашма раҳбарияти жамоа аъзоларининг турар-жойга бўлган эҳтиёжини ҳам тўлатўкис ҳал этаётир. Шу кунга қадар 10 гектар майдон ишчи-хизматчиларга шахсий уй-жой қуриш учун берилди, битта 32 хонадонга мўлжалланган бино фойдаланишга топширилган бўлса, яна шундай икки бинода қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. 280 ўринли болалар боғчаси билан бир қаторда янги замонавий мактаб бинosи қад кўтараётир.

Корхона раҳбарияти бозор муносабатлари шакллананётган бир пайтда меҳнат аҳлини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. 1991 йил 1 ноябрга қадар ҳар бир ишчи-хизматчига 120 сўм миқдорида компенсация бериб келинган бўлса, бу кўрсаткич эндиликда 140 сўмга етказилди. Шунингдек ҳар бир жамоа аъзосига 120 сўмдан ёрдам пули берилди. Корхона тасарруфидаги ошхонада овқатлар нархи ҳам бирмунча арзон. Шундай ғамхўрлик паррандабоқарлар кайфиятини кўтармоқда.

Ўзининг самарали меҳнати билан бирлашма ютуқларига ҳисса қўшаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, 6,2 миллион ўрнига 6,7 миллион дона тухум етказиб берган Тансиқжон Сохматова, 6,7 ўрнига 6,8 миллион дона тухум ишлаб чиқариб, йиллик режани бажарган Тожигул Эргашева бошчилик қилаётган бўлинмалар шулар жумласидандир.

— Бирлашмамизда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун ҳали кенг имкониятлар мавжуд, — дейди режалаштириш бўлими бошлиғи Эркин Матчонов. — Лекин олдимизда турган баъзи муаммолар туфайли бугунги кунда биз ана шу имкониятларни тўла сафарбар эта олмаяпмиз. Паррандаларга берилаётган озуқаларда баъзи таркибий моддаларнинг камчилиги туфайли тухум олиш имкониятидан тўла фойдаланиб бўлмаётгани, паррандаларни турли касалликлардан тўла муҳофаза қилиш мақсадида ишлатилувчи ва четдан келтирилувчи дориларнинг камчиллиги ана шундай муаммолардандир. Аммо бу муаммоларни бартараф этиш йўлида айрим изланишлар олиб бориляпти.

Бирлашманинг ҳар бир цехида ўртача 25 минг бошдан зиёд парранда боқилмоқда. Жамоа аъзолари бугунги кунда асосий эътиборни маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга қишки мавсумдан кам талофат билан чиқиш ишига қаратмоқдалар.

Бирлашма жамоаси ҳозирги кунда аҳоли дастурхонига сифатли парранда маҳсулотларини кўпроқ етказиб бериш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

А. ЭРГАШЕВ.

Рўзномамизнинг ўтган йил 20 сентябрь сонида «Ишчизодалар» мақоласи эълон қилинганди. Унда мустақил жумҳурият ишчилари, ҳунармандларини бугунги кунда ўйлантираётган муаммолар хусусида сўз юритилганди. Айтиш керакки, мақола кўпчилик муштарийларимизни мулоҳазага чорлади. Ушбу долзарб муаммо тўғрисида турли хил фикрлар билдирилди. Қуйида ана шулардан бири чоп этилмоқда.

• *Мақола мулоҳазага чорлади*

БИЗГА ҚАНДАЙ ҲУНАРМАНДЛАР КЕРАК?

Жумҳурият мустақилликкa эришди. Эндиликда сиёсий мустақилликни иқтисодий ислоҳотлар билан мустаҳкамлаш, бунинг учун эса халқ хўжалигининг барча тармоқларида етук кадрлар тайёрлаш, уларнинг қобилиятидан, меҳнатидан унумли фойдаланиш лозим. Ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан оладиган бўлсак, етук кадрлар асосини албатта ишчилар, ҳунармандлар ташкил қилади. Хўш, бизда шундай тажрибали мутахассислар ўз касбини пухта эгаллаган ишчизодалар борми?

Аввало, бу саволга жавоб беришдан олдин ўтмишга бир назар ташлаш, менимча, мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, яқин-яқин вақтларгача марказдаги «дўстларимиз» Ўзбекистонда миллий кадрлар тайёрлаш пухта эмас, улар саноатни, мураккаб технология жараёнларини бошқариш, замонавий дастгоҳлар билан муомала қилишда ожизлик қиладилар. Шунинг учун ҳам четдан ишбилармон ҳунармандлар уларга ёрдам бериб туришлари керак, деган бўлмағур гапларни айтиб келишди.

Хўш, уларнинг гапи ростми, амалда ҳам шундайми? Йўқ, албатта. Очиғи, юртимизда асрлар оша ривожланиб, дунёга машҳур бўлган ҳунармандчилик худди ана шу «дўстларимиз» шарофати билан балчиққа булғанди, ҳунарманд усталар бунёд этган обидалар, буюмлар ер билан яксон қилинди.

Ҳар бир нарсанинг гувоҳи тарих, дейишади. Келинг, яхшиси тарихга мурожаат қилайлик. Тадқиқотлардан маълумки, Ўрта Осиё халқлари бундан икки минг йил илгари ҳам чўян қуйиш ишлари билан таниш бўлган. Бу ерда кон ишлари, жумладан мис, темир, олтин, кумуш қазиб чиқариш, минерал бўёқлар, оқ ва рангдор шишалар тайёрлаш борасида катта тажриба тўпланганлиги ҳақида юртимизда текширувлар олиб борган рус олимлари С. П. Толстов, А. Ю. Якубовскийлар ҳам ёзиб қолдиришган.

Хитой сайёҳи Чжан-Цань (эрамизгача II аср)нинг кўрсатишича, хитойликлар ойна ишлаш технологиясини фарғоналиклардан ўрганган эканлар. Катта Фарғона каналини қазиш вақтида ён томонларига тоғ эчкисининг расми ўйилган уч оёқли ва тўрт қулоқли бронза қозон топилгани ҳам ўтмиш ҳунармандчилигидан далолат. Бу қозон эрамизгача бўлган биринчи минг йиллар ўртасида ишланган экан.

Юқорида келтирилган ушбу қисқа маълумотларнинг ўзи ҳам қадимги Ўрта Осиё халқлари, жумладан Ўзбекистон моддий маданиятининг юксак эканлиги, машинасозлик асослари ва ҳунармандчилик юқори даражада тараққий этганлигини кўрсатиб турибди. Бироқ Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олинган даврдан кейин Туркистонда ҳунармандчилик, умуман саноат ишлаб чиқаришига эътибор берилмади. Бу юрт чор Россиясининг, кейинчалик эса «қизил империя» марказининг хом ашё базасига айланди.

Эндиликда шу боис ҳунармандчилигимиз дурдоналарининг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини ўзимиз ҳам тўлиқ тасаввур этишга ожизлик қилиб қоляпмиз. Менимча, қашшоқликдан қутилишнинг асосий йўлларидан бири-миллий ҳунармандчиликни эъзозлаш, ривожлантириш ва унинг ёрдамида хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатиб, валюта ишлашга ўтишдир. Бу борадаги ҳар қандай самарали ҳаракатни қўллаб-қувватлаш керак.

Баъзан ўйланиб қоламан. Нега меъморчилик обидалари, миллий анъанали буюмлар, анжомлар ясовчи ҳунармандлар, темирчилар, қандолатчилар, кулоллар, заргарлар ва умуман ҳақиқий мутахассис амалиётчилари анқонинг уруғи бўлиб бораётир? Нега шаҳардаги саноат корхоналарига ишчи бўлиб киришга маҳаллий йигит-қизлар шошилишмаяпти? Нега уста-шогирдлик, ишчизодалар авлодлари камаймоқда? Албатта, ижтимоий ҳаётдаги қийинчиликлар ҳам бунга тўсиқ бўляпти. Бироқ, менимча, асосий сабаб бу соҳага етарлича эътибор берилмаётганлигида, деб ҳисоблайман.

Бугунга келиб ҳунармандчиликни, умуман, миллий саноатни ривожлантириш учун давлат дастурини ишлаб чиқиш, малакали ишчилар тайёрлашни йўлга қўйиш, ҳунармандчилик эски анъаналарини қайтадан тиклаш лозим.

Ҳозир айрим саноат корхоналарида шундай ҳоллар учраб туради: дейлик, маълум бир мураккаб ишни бажара оладиган усталар учтўрт кун ишга келмаса, ҳам уларнинг жавобгарлигини сўрайдиган раҳбар топилмайди. Боиси — бундай усталар ўрнини боса оладиган иқтидорли шогирдлар йўқ. Шогирдлар етиштириш, ёш ишчиларни тарбиялаш ишига ўтган йилларда бизда панжа орасидан қараб келинди.

Ўзи учун муносиб ўринбосар тайёрлаган тажрибали ишчи меҳнати қадрланмади, моддий жиҳатдан рағбатлантирилмади. Шунинг учун ҳам айрим мураккаб технология соҳаларида ёш ишчилар касб сирларини тўлиқ ўрганмасдан, бошқа тармоқларга ўтиб кетишди. Ачинарлиси, ҳозир ишчилар малакасини ошириш улар бажараётган технология жараёнларининг мураккаблигига қараганда анча паст даражада олиб бориляпти. Ҳисоб-китобларга кўра, машинасозлик маҳсулотлари 75 фоизининг сифатсиз тайёрланиши ва кесиш асбоблари синишининг учдан бир қисми иш бажарувчилар малакасининг пастлигидан экан.

Тўғриси, бугунги кунда ишчи малакасини оширадиган жуда кўп турли мактаблар мавжуд бўлса-да малакали ишчилар кўпайгани йўқ. Хўш, бунинг сабаби нимада? Асосий сабаб — ишчилар сулоласига бўлган эътиборнинг камайиб бориши, малакани оширишнинг натижаларини бевосита сифати билан боғлиқ эмаслиги, малака оширувчига ҳам, уни тарбияловчига ҳам моддий ёрдамнинг етарли ажратилмаслигидир.

Гапнинг рости, малақали ишчи саноатни ривожлантиришга омил бахш этадиган куч. Бинобарин, мақсад — мустақил жумҳуриятни иқтисодий тараққий эттириш бўлгандан кейин бу соҳага эътиборни кучайтириш, айниқса ҳунар-техника билим юртлари аҳволини тубдан яхшилаш, малакали кадрлар тайёрлашнинг барча чораларини кўриш керак.

Бугунги кунда мустақил республика фаровонлиги учун жон қуйдириши истаган юрагида ўти бор, иқтидорини аямайдиган, ўз халқи обрў-эътиборини ошириш учун ҳисса қўшадиган, қисқаси ўзлигини намоён этадиган ишчиларнинг, ҳунармандларнинг даври келди. Эндиликда улар тезроқ ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этишлари, ўз малакаларини замон талаблари даражасида ошириб, турли-туман маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишлари лозим.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли. Бугунги кунда фақат фанлар ва тармоқлараро академиялар эмас, ҳунармандчилик, ишчилар академиясини тузиш ҳам ҳаёт тақозоси. Хуллас, мустақил республика ҳунарманди, ишчисига ташқи бозор неъматларидан баҳра ола билиши, ўз ғуруруни тиклаб олиши, ўзлигини намоён этиши учун тегишли имкониятлар яратиб берилиши керак. Ана шундагина ишчи ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўшади, унутилган ҳунармандчилик касбларн тикланади, бинобарин ишчизодалар сафи кенгайиб бораверади.

Н. МУМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг муовини, техника фанлари доктори, профессор.

НАЗМ ЭҲТИРОМИ

ҲАВАСКОРЛАР ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ

Инсони шариф тил туфайли, нутқ туфайли бошқа махлуқотларга нисбатан қанчалик юксак мақом тутган бўлса, қанчалик шарафу эҳтиромга муяссар бўлган бўлса, шеър туфайли, қўшиқ туфайли, санъат туфайли унинг руҳи тарбия топади, маънавий дунёси бойийди, кўнгли гўзаллик билан ошно бўлади. Шеърнинг мўъжизакорлиги шу нуқталардан бошланади:

Қўлимизда бир даста шеър... Булар «назм эҳтироми» (Навоий) туфайли қоғозга тушган мисралар, кўнгил уйғонишларини шеърий йўлда ифодалаш учун бўлган уринишлар, ҳаваслар жунбуши... Муаллифларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ: шеърият сўқмоғида илк қадамларини ташлаётган, шеър айтиш иштиёқи энди ниш бериб, дастлабки машқларини қоғозга қоралаган бошловчи ҳаваскорлар. Булар ичида турли касб эгаларидан тортиб, нафақахўрларгача, хизмат бурчини ўтаётган аскар йигитдан тортиб, мактаб ўқувчиларигача бор.

Қаламга олган мавзулари ҳам турлича: «Келди баҳор, гулбаҳор» қабилидаги «машҳур» сатрлар ҳам бор. Онани, Ватанни, табиатни, инсоний меҳр-муҳаббатни улуғловчи машқлар ҳам бор. Қайта қуришга, ошкораликка, ҳаётда рўй бераётган турли ижобий-салбий кўринишларга бағишланган, кундалик воқеа-ҳодисаларга муносабат билдирилган ҳаваскорона тизмалар ҳам бор. Андижон вилоятидан Унсиной Солиева, Барно Бобожонова, Баҳодир Назаровларнинг, Фарғона вилоятидан Акмал Собиров, Мамажон Эрматов, Ҳилола Умароваларнинг, бухоролик Чори Беклиев, Самарқанд вилоятидан Маҳмадиёр Муҳаммадиев, Худойберди Қобилов, Мардибой Балқиев, Боқи Мурод, Абдусалом Муртазоевларнинг, шўрчилик Дилшода Муҳаммадиева, Қашқадарё вилоятидан Назокат Норбоева, Барчиной Чориева, тахиатошлик Ойпарча Ҳайтимова, Хоразм воҳасидан Райҳон Рўзметова, Гулсасал Ваисоваларнинг, ховослик Азимқул Ортиқов, ҳарбий хизмат ўтаётган йигитлар Зафар Жиянқулов, Баҳриддин Носиров, ўшлик И. Эгамбердиев, Ленинобод районидан Ҳулкар Маҳмудоваларнинг юборган машқларини шу гуруҳга киритиш мумкин. Мазкур юртдошларимизга шеър ёзиш, шоир бўлиш учун алоҳида истеъдод, бадиий сўз масъулиятини ҳис қилиш қобилияти, мутолаа ва машқ заҳматига тоқат қилиш қудрати талаб қилинишини эслатиб кетишимиз жоиз ва ўринлидир.

Иккинчи гуруҳ — шеър ёзиш техникаси қоидаларини яхши ўзлаштирган, сўз қадрини, ўрнини, қудратини ҳис қила оладиган, лекин кўпинча бунга амал қилавермайдиган ҳаваскорлар, Уларнинг машқларига хос бўлган умумий камчиликлар мавжуд — сийқа, кўп такрорланган фикрларни шеърга қайта олиб кириш, адабиётимиздаги машҳур шеърларга, шоирларга тақлид қилиш, оддийгина қилиб мақолада айтса ҳам бўлаверадиган гапларни шеърий йўлда изҳор қилиш, баён ушбу гуруҳдагиларнинг машқларида яққол кўзга ташланади. Такрор ҳам, тақлид ҳам, тавсифга берилиб кетиш ҳам, шеър қадрини тушириб қўяди. Фикр, тўйғу ҳаяжон, ички шиддатнинг бир-бирига мувофиқлашиб, уйғунлашиб келиши шеърнинг бадиийтини белгилайди, эстетик завқни уйғотади. Ҳаваскор ўртоқлар шеър машғулотларида мана шу жиҳатларга эътибор берсалар маъқул бўларди. Ҳар ҳолда чустлик Арофат Усмонова, хивалик Раҳим Бекчонов, қаршилик Суюн Каримов, сирдарёлик Ҳотам Раҳмонов, фарғоналик Нормат Холматов, янгиариқлик Эркин Эшчонов, бекободлик ишчи шоир Фарҳод Кўчқоровлардан келажакда яхши ва янги шеърлар умид қилса бўлади.

Биз шартли равишда учинчи гуруҳга киритган шоирлар кўп эмас. Уларнинг шеърларида халқчиллик, гоҳ майин, гоҳ шиддатли фикрлар оқими, сўзга садоқат, шоирона бедорлик, ҳаловатсизлик туйғулари ўқувчини бефарқ қолдирмайди, кўнгилларда руҳ ва илиқлик уйғотади. Масалан, самарқандлик Муҳиддин Бобоёрнинг «Қишлоқда» сарлавҳали шеърини олайлик.

Гоҳ сокин, гоҳ дайдиб эсади шамол,
Чангларни тумандай ютади қишлоқ.
Пастак кулбаларнинг пешонасида
Кўклам ато этган қирмизи байроқ.
Симёғоч — юракда сарғайган савол,
Топишмоқ туғилар қушлар тилида...

Ўзбекистонга хос манзара! Дилни ўртаб юборгудай қадрдон ҳислар, содиқ ҳаяжонлар вужудингиз бўйлаб ёпирилади, сатрлардаги соддалик, майинлик, табиийлик руҳингизни аллалайди, ором беради, ҳаёлингиз ҳув узоқларга — қишлоққа, туғилиб ўсганингиз тупроқ, чанги тизга уриб турган анҳор соҳиллари томон олиб кетади...

Уркач адирларнинг сирли бағрида
Қайта гавдаланар болалик чоғим.

Шоирнинг содда фантазиясидан туғилган дилпазир мисралар қалбингиздаги ошуфта туйғуларни жарангграс солиб уйғотади, соғинчлар бўй тиклайди, меҳр ортгандан ортади...

Шу битта шеърнинг ўзи Нарпайдан умидли шоир етишиб келаётганидан дарак бериб турибди.

Ҳусан Эшмуродов — халқона, дардчил, безовта туйғулари шеърларида балқиб турган шоир. У кейинги икки-уч йил ичида ана шундай шеърлари билан рўзнома-ойномаларда кўринди. Унинг қўлимиздаги «Алпомиш бобога арз» шеърида ҳам замон мавжларига боқиб безовталанаётган шоирона юрак зарблари сезилади. Бу безовталик баъзан фиғонга айланаётганини, шеърда ёруғ нуқталар, нур камайиб, ясама дардчиллик олдга чиқиб қолаётганини ҳис қилиб турасиз. Яна бир эътироз шуки, эл севган қаҳрамон — Алпомиш бобо ёки чол сифатида эмас, балки навқирон йигит, тап тортмас ботир суратида халқимиз хотирасида абадийдир.

Нукуслик онахонимиз Кенже опа Елемесова ҳазрат Навоийга бағишлаб ёзган ўланларида туркий халқлар дўстлигини, боболаримиз орзу-армонларини улуғлайди, бугунги кун ташвишларини енгиб ўтиш учун улуғ аждодларимиз руҳлари теграсида бирлашишга чақиради. Унинг ўланларидан қадимий халқ қўшиқларининг оҳангларини эшитгандай бўламиз. Қорақалпоқ фольклорчилари бу опамизнинг ижодига эътибор бериб, унинг ўланларини, тўлғов ва термаларини ёзиб олсалар маъқул иш бўларди.

Избосканлик Ўрмонжон Туёмов ва Тошкент дорилфунунининг фалсафа факультети талабаси Гулнора Исмоилованинг машқлари ҳам ўқувчида илиқ таассурот қолдиради, умид уйғотади.

Ташвиш ва қувончларга тўла ҳаёт давом этади. Инсон келажакка умид билан боқади, нурлари ёруғ, роҳатлари тўлуғ кунлар келишига ишонади, меҳнати, дард-ҳасратлари, орзу-армонларининг қўшиққа муҳрланиб қолишини истайди. Кўнгил шеър тилайди...

Ҳаваскор шоирларимиз ҳам кўнгилларга ёруғ таскин, умид-ишонч ва эзгулик бағишловчи шеърлар яратишларига умидвормиз.

Музаффар АҲМАД.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Асосий муассислари «Тошкент» биржаси, Ўзбекистон агросаноат банки, «ТАБАНИ КОРПОРЕЙШН» ФИРМАСИ, «ИНТЕРАЗИЯ» ВА «ФАРҲОД» фирмалари, шунингдек республикадаги қатор йирик биржалар ва банклар бўлмиш

ОСИЕ ХАЛҚАРО АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

тузилиши муносабати билан

Банк кенгаши Бошқарувининг Раиси ва бош ҳисобчиси бўш лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда банк ишида камида 5 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган, 25 ва ундан катта ёшдаги шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилда жойлашган танлов комиссиясига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.

Телефонлар: 45-80-65, 45-79-49, 45-91-96.

Ўзбекистон Жумҳурияти Фанлар академияси «БИОЛОГ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИЛМГОҲИ

Маданий ўсимликлар агроэкологияси ва ўсимликлар ривожланиши биологияси лабораторияларининг мудирлари бўш лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй, Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академияси, «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

М. УИҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИНИНГ ЎҚУВ ТЕАТРИ ҚОШИДАГИ

«МИНГ БИР КЕЧА» МУСИҚАВИЙ ТЕАТРИ

актёрлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар қатнашишлари мумкин.

Актёрлар шартнома асосида ишга олинади, иш ҳақи профессионал театрлар даражасида тўланади.

Театр маъмурияти шаҳарга қайд қилишга кафолат бермайди.

Ҳужжатлар 20 февралгача қабул қилинади.

Танлов 1992 йил 1 мартгача ўтказилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 56-45-68.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси

Г. С. ЗАИЦЕВ НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

лабораториялар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим (фан номзоди): ғўзанинг паст бўйли ва пакана навлари селекцияси;

кичик илмий ходим (илмий даражасиз): IV типдаги толали ғўза навлари селекцияси.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 702147, Тошкент вилояти, Қибрай райони, «Салор» алоқа бўлими.

КИЕВ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

КИИГАнинг Тошкент бўлимида ишлаш учун

«Аналогли-дискет схемотехника асослари» фани бўйича катта ўқитувчи лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 77-уй.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АГРОПРОМРЕМОНТ» РЕСПУБЛИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700083, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 52-уй.

Кичик корхонанинг катта даромади

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Косонсой ноҳиясидаги «Тожикистон» қўйчилик-эчкичилик жамоа хўжалигининг кичик корхонаси даромади уч миллион сўмни ташкил этди. Бу корхонада эчки тивити ва қўй юнгидан ҳар хил буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари гиламлар учун тола тайёрлаш ҳам бошланди.

Корхона ўз фаолиятини яхши йўлга қўйиш учун уй бекаларини тўқишга ўргатувчи махсус мактаб очди. Ўз уйида меҳнат қилаётган касаначилар ойига 800 сўмгача меҳнат ҳақи олишмоқда.

СУРАТДА: касаначи Ҳайитгул Матқобилова.

А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ).

САВДО: ҚОНУН ВА ХАЛОЛЛИК МЕЗОНИ

КЎНГИЛХИРАЛИК

• ФЕЛЬЕТОН

Қумқўрғон район раҳбарияти район матлубот жамияти раиси Боймурод Оллоёровга нисбатан адолатсизлик қилди. Район Кенгаши 1991 йил 26 декабрь куни президиум чақириб, уни лавозимидан бўшатиб қўйди. Ҳозирча бекор қилинмаган қонунларга кўра матлубот жамияти раисини сайлаш ёки ишдан бўшатиш ҳеч қанақа президиумнинг ваколатига кирмаслигини ва бу масалани фақат пайчилар анжумани ҳал этиши мумкинлигини билган одамлар бизнинг гапимизга қўшиладилар, деб ўйлайман.

Бу қоидадан район ижроия қўмитасидагиларни (масала билан ижроқўм шуғулланган) бехабар эди, деб бўлмайди. Қўмита савдо нуқталарида вужудга келган вазиятнинг чигаллигини ҳисобга олиб матлубот жамиятидан пайчилар анжуманини чақиришни талаб қилди. Оллоёров бу талаб билан ҳисоблашмаётганини кўрган қўмита ундан пайчиларнинг рўйхатини сўради. Оллоёров ижроқўмнинг бу сўровини ҳам рад қилди. Ва умуман, ижроқўм раисининг муовини Э. Алиевнинг айтишича, Оллоёров ижроқўмга, ҳатто, ҳужжат кўрсатишга рўйхушлик бермади. Ижроқўм, ҳужжат кўрсатмасанг, мана сенга, дегандай қилиб, ижроқўм биносида пайчилар анжуманини чақиришга жазм этди.

Район прокурори бу қарорни нотўғри деб топишига қарамасдан 1991 йилнинг 24 декабрь куни ижроқўмга кўп одам йиғилди. Матлубот жамиятидан раис тугул бironта вакил келмаган мажлис савдо масаласини муҳокама қилишга киришди. Тўғриси, савдодаги ғавғоларни ҳам нари суриб одамлар Оллоёровнинг мажлисга—одамлар ҳузурига келмагани хусусида баҳслаша кетдилар. «Ижроқўмни, одамларни писанд қилмайдиган унақа раисни район ҳудудидан кўчириб юбормоқ керак», — деди райижроқўм раиси Тоҳир Бойқобилов. Ўша кунги йиғиннинг энг катта гапи — шу бўлди. Ва шу гапининг қуввати туртки бўлибми, Кенгаш президиуми Оллоёровни ишдан бўшатди.

Мен, Оллоёровга адолатсизлик кўрсатилди, деганимда фақат ўша куни бўлиб ўтган гапни назарда тутаётганим йўқ. Гап асли бошқа томонда. Матлубот жамиятининг ишига ва, жумладан, Оллоёровнинг фаолиятига адолатсизлик, адолатсиз муносабат бу воқеалардан анча илгарироқ бошланган эди.

«Меҳнат шарафи» район рўзномаси 1991 йилнинг 7 август сонида район матлубот жамиятидаги қонунбузарликларни фельетон қилиб урди. Бу фельетонда камёб моллар нинг таъминоти бўйича тақчиллик сунъий равишда вужудга келтирилаётгани кўрсатиб берилди. Жамият раҳбарияти номига нордон-нордон гаплар айтилди ва рўзнома савдодаги қонунбузарликлар шу тарибда давом этаверса, «эртага... жанжаллар, тўпалонлар бошланиши мумкинлигидан» огоҳлантирди.

Уч минг нусхада босиладиган рўзноманинг бу огоҳлантируви мутлақо эътиборсиз қолдирилди. Ҳатто, фельетонда нимани ёзипти, деб бир оғиз сўрайдиган одам топилмади. Мана, қаердан бошланяпти адолатсизлик.

Энди яна бир ҳангомани эшитинг.

Ўша фельетон босилгандан қарийб икки ой кейин вилоят прокуратураси Қумқўрғон район матлубот жамияти томонидан фуқароларга енгил автомашиналарни сотишда ижтимоий адолат қоидалари қўпол равишда бузилганини билдириб, вилоят матлубот жамияти раиси Х. Нурматовга хат жўнатди. Бу хатда ҳам адолатсизлик «вазиятнинг кескинлашувига» сабаб бўлаётганига ишора қилиб ўтилди.

Шу ўринда озгина чекиниш қилиб олсак.

Енгил автомашиналарни сотишдаги прокуратура айтаётган ўша адолатсизликлар 1989-1990 йилларда содир этилган. Шу икки йил мобайнида район матлубот жамияти 33 енгил машинани — 15 дона «Москвич», 18 дона «Запорожец»ни фармойиши бўлмаса бўлмагандир. Лекин билингки, ўша машиналарнинг сотиб юборилишидан райижроқўм бехабар қолган, деган гапга ҳеч ким ишонмайди. Фармойиш бўлмаган бўлса, «оқ фотиҳа» бўлгандир ва бунақа «оқ фотиҳа»лардан фақат П. Абраматов эмас, ўнлаб, юзлаб Абраматовлар жабр тортишгандир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, прокуратура айтган ўша вазиятнинг «кескинлашуви»ни фақат Оллоёровнинг номига боғлаб гапирмаслик керак. Бироқ «машина савдоси»дан фақат Оллоёров жабр кўрди — вилоят матлубот жамиятининг бошқарув мажлисида тегишли жазо олди.

Лекин Оллоёровнинг жазо олган кунлари ҳам Қумқўрғон савдосида ҳамон эски пластинкалар айланаётган эди. Рўзноманинг огоҳлантириши аллақачон кўпларнинг хотиридан чиқиб бўлганди. Прокуратуранинг қистови билан кўрилган ишнинг мазмунидан кўплар бехабар эдилар. Гўёки одамлар савдодаги адолатсизликларга кўникиб қолишгандай эди.

Ана шундай хотиржам кунларнинг бирида матлубот жамиятига қарашли Марказий универмагнинг газмол сотиш бўлими мудираси Раъно Раҳмонқулова ҳамон «ВЛКСМ 30 йиллиги» деб аталувчи давлат хўжалигининг Боғаро қишлоғида яшовчи Турсуной Мамадиёрова исмли аёлга 70 метр штапель, 178 метр чит, 3 метр дастурхонлик матони 2268 сўмга сотди ва саноқли дақиқалар ичида харидордан 1117 сўмни уриб қолди. Орадан кўп ўтмай ўша Турсуной ҳамқишлоқлари Пардахол Норқўчқороводан 211 сўм 47 тийин, Мўминой Аллаяровадан 161 сўм 54 тийин, Шарофат Азимовадан 85 сўм 40 тийин ошиқча пул олган ва шу тўрт аёлдан «ишлаб олгани»нинг ўзи 1575 сўм 41 тийинга тўғри келган.

Сўмни сўмга қўшиб, пешона тери тўкиб пул жамғарган боғаролик аёлларга Раҳмонқулованинг очкўзлиги (аёл боши билан) малол келади. Сабр косаси тўлган одамлар маҳалла қўмитасига арз қилиб келадилар. Маҳаллақўмнинг изидан магазинга ёпирилиб борадилар. Ва ўзларича тафтиш қилиб, Раҳмонқулова ҳар бир метр газмолнинг устига беш-беш ярим сўмдан қўшиб сотганини, Республика Вазирлар Маҳкамасининг камёб моллар ни аҳолига сотиш бўйича кўрсатмасини қўпол равишда бузганини аниқлайдилар. Ва кейинчалик яна бир нарса аниқ бўлиб қолди: деярли ҳамма жойда бўлгани каби Қумқўрғон магазинларида ҳам нима йўқ десангиз — пахтадан тайёрланган мато — чит, сатин йўқ. Ҳа десангиз, сув бошдан қуриган, дейишади. Аслида эса таъминот унчалик ҳам ёмон эмас экан. Район матлубот жамиятининг товаршуноси Шерқул Жумаевнинг айтишича, 1991 йилнинг апрель-декабрь ойлари мобайнида жамият давлат омборларидан 248 минг 700 метр пахтадан тайёрланган мато келтирган. (Бу кўзда тутилганидан 41 минг метрга кам, холос).

Бироқ бу моллар қўл билан саноқли дўконларда, «ишончли» дўкондорлар томонидан сотилгани кишини ажаблантиради. (Гапнинг бу томонларига диққат қилаверсангиз, П. Абраматовнинг ўша биз эслатган мажлисда «Қумқўрғон аҳолисига аталган матоларнинг ҳузурини Денов ва Регар шаҳарларнинг олиб сотарлари кўрмоқда» деб айтган тахминий гапларига ишонгингиз келади). Савдодаги бу ишкал манзараларга эса табиийки, жамиятнинг раиси қўмондонлик қилган. Бугунги кунда «унақа раисни район ҳудудидан кўчириб юбормоқ керак» деб ўтирган ижроқўм бўлса шу вақтга қадар машина ҳамда мато савдосидаги ғирромликларга томошагўйлик қилиб келаверган ёки рўзноманинг ўша огоҳлантиришига суянибми, эҳтимол жанжал чиқишини кутган. Жанжал баҳонасида ишни жиддийроқ кўрармиз деган фикрга боришган. Ҳар қалай воқеалар ривожи шу мантиқдан нишона.

Раҳмонқулованинг қилмиши боис бўлиб жанжал чиқди. Ва бу жанжал одамларнинг тўп-тўп бўлиб катта идораларга арз қилиб келишига сабаб бўлди. Пировардида масала, жанжалли тарзда, кўнгилхиралик билан ҳал этилди.

Тегишли раҳбарлар район рўзномасининг ўша фельетонига қўл силтаб қўйишмаганда, табиийки, бу можароларнинг олди олинган ва эҳтимол, Оллоёровни ҳам иссиқ жойидан безовта қилишмаган бўларди. Оллоёровга нисбатан адолатсизлик қилинди деганимизнинг, қонунсиз — қонунли мажлисларнинг минбаридан туриб одамлар бир-бирларининг кўнглига озор етказадиган гапларни айтганидан афсусланганимизнинг маъноси шу.

Бу жанжал тафсилотларини вилоят раҳбарлари хусусан, вилоят Кенгаши ва вилоят ижроия қўмитаси яхши билишади. Бироқ элнинг осойишталигини жанжални бостириш (унинг олдини олиш эмас) йўли билан таъминлашнинг Қумқўрғонча усулига қачон ва қандай муносабат билдирадилар, буниси ҳозирча номаълум.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• СПОРТ

БИРЛАШАДИГАН БЎЛИШДИ

● ШУ ЙИЛ ёзида Барселонада бошланадиган олимпиада ўйинларига собиқ СССР спортчиларининг тайёргарлигини ташкил этиш ва йирик мусобақадаги иштирокни таъминлаш борасидаги муаммолар ҳам ечимини топмоқда. Футбол чемпионати муаммолари ҳал этилгандан кейин енгил атлетикачиларнинг олимпиада ўйинларига қай тартибда тайёргарлик кўриш масаласига ҳам ойдинлик киритилди. Бу масала ҳамдўстлик республикалари вакилларининг мувофиқлаштирувчи мажлисида кўриб чиқилди. Энди Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги федерациялари вакилларининг кенгаши таркиб топди. Мақсад бирлашиб ҳамдўстлик давлатлари терма жамоасини олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этишини таъминлашдан иборат.

ОЛИМПИАДА БАЙРОҒИ ОСТИДА

● МАЪЛУМКИ, собиқ СССР физкультура ва спорт Давлат комитети бундан буён Давлатлараро спорт кенгаши деб юритиладиган бўлди. Бунга Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг 30 нафар вакили аъзоликка киритилди. Зеро, ҳар бир мустақил республика ўзининг миллий олимпиада комитетини таъсис этиб, халқаро олимпиада комитетига аъзо бўлишни кўзламоқда. Шунга қарамай, қандай бўлмасин бу йилги олимпиада мусобақаларида иштирок этишни ўзига хос йўли изланмоқда. Собиқ СССР миллий олимпиада комитети раиси В. Смирнов яқинда Халқаро олимпиада комитети раиси Х. Самаранч билан учрашиб, ҳамдўстлик давлатлари терма жамоасининг олимпиада мусобақаларидаги иштироки хусусида суҳбатлашди. Хусусан, спортчиларимизнинг бир жамоа сифатида олимпиадага бориши, олимпиада байроғи остида баҳслашиши маъқул келди. Лекин, йирик мусобақанинг тантанали очилиши чоғида терма жамоамиз ҳамдўстлик давлатлари вакилларидан таркиб топгани ҳақида бирма-бир ахборот берилиши ёқмади. Халқаро олимпиада комитети раиси бу борада ўйлаб кўришни маслаҳат берди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 11.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—24.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти жамоаси нашриётнинг ўзбек адабиёти редакциясининг етакчи муҳаррири

Гуласал АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Жумҳурият автомобиль йўлчилари жамоаси автомобиль йўллари вазири Р. Р. Юнусовга синглиси

Малика Расуловна ШОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият Телекўрсатув Маркази жамоаси, раҳбарияти овоз режиссёри М. Ориповга онаси

Қутпи ОРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадио эшиттириш компанияси жамоаси жумҳурият радиоси хатлар бўлимининг мудири М. Азимовага отаси

Хайрулла РАШИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.